

Тазкия дарслари (58-дарс). Тасаввуф ҳақидаги фикҳий фатволарни биламизми?



14:04 / 10.11.2019 5200

«Илоҳи анта мақсуди ва ризока матлуби» каломининг маъноси фақат сўфийларнинг эмас, барча мўмин-мусулмонларнинг шиоридир. Муриднинг ёки солиқнинг ва умуман, ҳар бир мукаллафнинг ирода қилгани, кўзлагани, излагани – Роббул оламиннинг розилигидир. Бизнинг барча амалларимизнинг мақсади ҳам ёлғиз шу: Роббул оламиннинг розилиги. Бунинг учун шариатда фарзу вожиб бўлган амалларни бекаму кўст адо этишдан ташқари, суннат ва нафл ибодатларни ҳам севиб бажармоқ лозимдир. Ана шу ўринда бизга бу йўлда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ворислари бўлмиш шариат олимларининг ва ибодатлари, муҳаббатлари ила юксак даражаларга эришган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гўзал ахлоқларидан кўпини ўзига сингдирган обиду зоҳид шайхларнинг устозлиги керак бўлади. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари ва у асосидаги қўшимча нафл намозлар, зикрлар, тасбеҳлар ва дуоларнинг адади бениҳоя кўп. Бир одамнинг буларнинг барчасига амал қилиши вақт ва умр нуқтаи назаридан ҳам деярли иложсиздир. Шунинг учун ҳам шайхлар аниқ бир муриднинг ҳолига қараб мана шу амаллардан баъзиларинигина тавсия этадилар, яъни солиқ учун энг осон йўлни танлаб, кўрсатиб берадилар. Айнан мана шу маънодаги устозлик Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан шахсан мерос бўлиб қолган. У зоти бобаракот ҳам қўшимча ибодатга майл билдирган саҳобалар розияллоҳу анҳумга уларнинг ҳар бирининг ўз

ҳолига, имконига қараб, турли вазифалар тайинлаганлари кўплаб ҳадисларда ривоят қилинган. Айни пайтда ибодатда ҳаддан ошиш, муболағага кетишдан қайтарганлари ҳам маълум ва машҳур. Бинобарин, силсилалари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етишини даъво қилаётган мустаршиду муридлар мана шу маъноларни ҳам эсдан чиқармасалар, яхши бўларди.

Шунингдек, ҳозирда фақиҳлик даъвосини қилаётганларимиз ҳам ўзимизга бир назар солмоғимиз лозим. Ҳеч бўлмаса, тасаввуф ҳақидаги фикҳий фатволарни биламизми? Ўзимиз тасаввуфдан нималарни биламиз ва нималарга амал қиламиз? Намозлардан кейинги қиладиган зикрларимиз тасаввуфдан эмасми? Билган нарсаларимизни тартибга солишимиз ва билмаганларимизни ўрганишимиз ҳамда амал қилишимиз лозим. Халққа ҳам ҳақиқатни айтиб, бу борадаги ихтилофларга чек қўймоғимиз зарур.

«Тасаввуф ҳақида тасаввур» китобидан